


САВОЛ: Ўз тасарруфидagi мулкнинг тақдирини эркин хал этишда шартномалар муҳим рол ўйнайди. Шу ҳақда тушунча беринг.

И. ФАЙЗИЕВ,
Гулистон шахри



ЖАВОБ: Юртимиздаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар табиийки, турмушимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Хусусий мулкнинг давлат томонидан тан олинган, ҳиммага олинган фуқаролик-хуқуқий муносабат субъектлари доирасининг кенгайишига сабаб бўлди. Конституциявий ҳуқуқларимиздан бири бўлиши мулкдор бўлиш ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши кенг имкониятлар соҳибига айланишига сабаб бўлди. Ўз тасарруфидagi мулкнинг тақдирини эркин тарзда хал этиш шартномалар орқали амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас.

Хар қандай шартномани битим деб аташимиз мумкин, бироқ битимларни шартнома деб атаётганимиз.

Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлардир. Хар қандай битим шахсларнинг эркин-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдиришга қаратилди. Битимда фуқаро ва ташиқлотларнинг маълум моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эркинлик ифодаланган. Битимларни амалга ошириш шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатларини амалга ошириш ҳисобланади.

ФКнинг 353-моддасига асосан икки ёки бири неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади. Ушбу таърифдан кўриниб турганидек, ўзаро ёки бири неча шахс ўз манфаатларини қондириш мақсадида қонунга зид бўлмаган хар қандай келишувга эришишлари шартнома деб тушунилади. Тарафлар томонидан турли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга

бўлишидан қатъий назар, ягона ҳуқуқий оқибат, яъни бирон-бир мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36- ва 54-моддаларида белгиланганидек, хар ким мулкдор бўлиши ва ўз мулкни эркин тасарруф этишига ҳақли. Шундай экан, мулкдор ўз эгалигидаги мулк

нияти, аввало, савдо муносабатларининг ривожига аниқлиги таъсир этади. Бироқ мана шундай шартномаларни тузишда аксарият савдо дўконларида электрон воситалар ўрнатилмаган.

Республикамизда тadbиркорларга кенг имкониятлар яратиш билан бирга, юқорида таъкидланганидек, шартномавий муносабатлар доирасининг кенгайишига сабаб бўлди. Конституцияимизнинг 53-моддасида белгиланганидек, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари қаторида давлат то-

бартаф этилган, шартнома лойиҳасини имзолаш мумкин, деб хулоса беради.

Оддий фуқаролар томонидан шартномалар оғзаки, оддий ёзма ва нотариал тартибда тўғридантўғри тузилиши мумкин. Қарз шартномаси нафақат нотариал тартибда, балки тилхат ёздириб олиниши, унинг оддий ёзма равишда тузилишига тенглаштирилади. Бироқ айрим фуқароларимиз уй-жойларини ижарага бераётганларида оғзаки равишда келишиб оладилар. Ваҳоланки, қонун

ШАРТНОМА ТУЗИШ ЭРКИНЛИГИ

Саволингизга ТДЮИ ўқитувчиси Н.Эгамбердиева жавоб беради



монидан ҳимоя этилиши оқибатида янгидан-янгича қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келди. Биргина 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун бунга мисол бўла олади. Аввалги "Корхоналар тўғрисида"ги қонун бекор қилинди. Бу қонун амалга киритилганига оз вақт бўлган бўлса-да, бироқ хусусий корхонанинг жавобгарлиги юзасидан умумий жиҳатдан ёндошилган. Бу борада аниқлик киритилди, мақсадада мувофиқ бўлар эди. Албатта, бу ноаниқликлар ва камчиликлар қонуннинг ишлаш жараёнида аниқланади.

Ҳўжалик шартномаларини тузиш жараёнида ҳўжалик раҳбарлари ёки ҳуқуқшунос мутахассислар келгусида юзга келиши мумкин бўлган низо-ларни олдини олиш мақсадида шартномаларни қонунга мувофиқ равишда тузишлари шарт. Шартнома тузиш жараёнида шартноманинг суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаридан юқори бўлганда ҳуқуқшунос хулосаси талаб этилади. Ҳуқуқшунос шартнома лойиҳасини амалда қонун ҳужжатларига мос ёки камчиликлари кўрсатилади.

Биздан сўраган эдингиз

мулк билан боғлиқ хар қандай шартномалар ёзма тузилиб, нотариал тартибда расмийлаштирилиши керак. Хар бир шартномаларнинг шаклини ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади. Шартнома иштирокчилари кимлар бўлиши мумкин?

тномаларда иштирок этувчи тарафлар доирасини аниқ белгилайди. Бунга мувофиқ, айрим турдаги шартномаларда тараф бўлиб фақатгина фуқаролар иштирок этиши белгиланади. Умрбод таъминот олиш тўғрисидаги шартномалар, умрбод рента, ломбардга омонат қўйиш шулар жумласига киради. Воёга етган, бироқ суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки қисман муомалага лаёқатли деб топилган шахслар ҳам шартномада тараф бўлиб қатнашиши мумкин, бироқ улар ўзлари эмас, балки қонуний вакиллари орқали ҳаракат қилдилар. Майда маънавий битимларда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ҳам қатнашишига ҳақли. Бироқ уларнинг хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлган шахслар (ота-онаси, вазисий, кимнинг назорати остида бўлса шу шахслар) жавобгар бўладилар. 18 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган ёшлар ўзларининг стипендиялари, ишлаб топган пулларини мустақил тарзда тасарруф этишига ҳақли. Аммо улар киришган шартномавий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда жавобгарликда уларнинг ота-оналари ёки улар учун масъул бўлган шахслар биргаликда қатнашадилар. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакики, улар мустақил тарзда йирик шартномаларни туза олмайдилар. Бироқ, қонун воёга етмаган 16 ёшдан юқори ўсмирларга кенг имконият бериши мумкин.

Амалиётда, шартномалар фуқаролар ўртасида, ташиқлот, корхона ва муассасалар ўртасида тузилади, деган тушунчалар мавжуд. Бироқ шартнома иштирокчиларнинг таркибига қарасак, уларнинг доираси биз ўйлаганимиздан ҳам кенг. Тарафлар бўлиб хар қандай жисмоний ва юридик шахслар, давлат иштирок этиши мумкин. Жисмоний шахслар доирасига нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киради. Қонун шартноманинг моҳиятидан келиб чиқиб, шар-

16 ёшдаги воёга етмаган шахслар суд томонидан муомалага лаёқатли деб топилса, улар бемалол шартномалар тузишлари мумкин бўлади. Бу ҳолат эмансипация деб аталади. Тула муомала лаёқатини олган ўсмир воёга етган хар қандай фуқаро каби тенг равишда муносабатларга киришиши мумкин ва табиийки қилган хатти-ҳаракатлари учун мустақил тарзда жавоб беради.

Соғлом, хар томонлама чиниккан баркамол авлодни воёга етказиш ва тарбиялаш ҳўкуматимиз сибсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Кишлоқларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилада тиббий хизмат маданиятини ривожлантириш каби масалалар айни пайтда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Бекобод туманида бугунги кунда 135 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Жорий «Сихат-саломатлик йили»да бу ерда ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Марказий касалхона, болалар ва қатталар поликлиникаси, болалар юқумли касалликлар шифохонаси, 16 та КВП, 4 та ҚВА кишилар саломатлигини сақлаш йўлида хизмат кўрсатмоқда. 155 нафар юқори малакали шифокорлар, 2100 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Худудларда 5 та шохобчага эга бўлган тез тиббий ёрдам бўлими ҳам юқори суръатда хизмат кўрсатаётган бўлиб, улarga ўтган йили 5 та янги «Дамас» автомашинаси тақдим этилди. Маълумки, қишлоқ жойларда ҚВПларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Далварзинда 2002 йилда ишга туширилган 9-КВП 6556 нафар аҳолига мўлжалланган. Мазкур саломатлик масканига бюджет ҳисобидан 58 миллион сўм маблағ сарфланиб, хорижда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Физioterapevтик муолажа хонаси, УВЧ, ЭКГ, лаборатория хоналари мавжуд, шунингдек, бежирим мебел жиҳозлари билан жиҳозланган. Кундузги шифохона ҳам намунали хизмат кўрсатиб турибди.

ҚИШЛОҚЛАРДА

соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топсин

Аҳамиятти жиҳати шундаки, ушбу тиббиёт маскани республикамизнинг кўшни Тожикистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, Чувилок, Қатортол, Янгиобод, Сапаров маҳаллалари аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, Далварзиннинг 5-бўлимиде патронаж пункти ҳам қишлоқ марказидан 15 километр узоқликда жойлашган бўлиб, аҳоли соғлигини таъминламоқда. Мазкур пункт ҳам электр, газ, сув билан яхши таъминланган. Авваллари маҳаллий аҳоли тумандаги марказий шифохонага қатнашарди. Энди эса бундай оворагарчиликка ўрин қолмади. Сабаби яшовчилар зарур муолажани шу ернинг ўзида олмақдалар. Кейинги йилларда тумanning энг овлоқ худудларига қўшимча янги ҚВПлар бунёд этиш режалаштирилган.

Кишилар саломатлиги учун гамхўрлик кўрсатиш, турли юқумли касалликларга чалинишига йўл қўймастик учун сазй-ҳаракатлар олиб борилаётди. 2001 йилда 30 ўринли тез тиббий ёрдам бўлими капитал таъмирланиб, ишга туширилди. Шунингдек, ўтган вақт мобайнида терапия, умумий хирургия, реанимация, туғруқхона ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Афсуски, бу борада базий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, терапия бўлимининг бири қисми, гинекология, қон қўйиш, стерилизация, дориҳона, ошхона, юқумли касалликлар шифохонаси бири неча йиллардан буйн таъмирталаб бўлиб ётибди. 2004 йилда болалар ва марказий поликлиникалари ҳам капитал таъмирдан чиқарилиди. Эндиликда туман аҳолисига ҳўкуматимиз томонидан яна бир қулайлик яратилаётди. Барча зарур қулайликларга эга кўп ўринли силга қарши кураш диспансери типовой усулда қурилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 21 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан соҳа ходимларининг ижтимоий муҳофазасига ҳам эътибор берилмоқда. Жумладан, тармоқ соҳа ходимлари март-апрел ойлариде кўпгина спорт турлари буйича бахшландилар. Октябр-ноябрда ўтказилган худудий муСОБАКА босқичида туман тиббиётчилари совриндор бўлишти. Шашка буйича аёллар ўртасидаги беллашувларда жамоа аъзоси Умида Бойназарова вилоятда 1 ўринни эгаллади.

Бир гуруҳ ходимлар май ойида пойтахтнинг энг хўшманзара масканларида бўлиб қайтдилар. Хар бир байрам зўр кўтаринки шўқуҳ билан нишонланиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Жорий йилда кам таъминланган ходимлар оилаларига энг кам иш ҳақининг 2-3 баробари миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. 9 нафар тиббиётчи эса республикамизнинг энг бахаво санаторийлари – «Турон», «Ботаника», «Чинобод»га юборилди.

О. ЭРГАШЕВ,
А. ФУЛОМОВ,
«Ишонч» мухбири

Сўнгги пайтларда коммунал соҳадаги ислохотлар қўламини кенгайиб, тизимни барқарор ва сифатли ишлашига эришиш йўлида муайян ишлар амалга оширилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш олиб борилиб, янги инициатива куриш, технологиялар харид қилиш учун фойдаланилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигига диққат-эътибор қаратиляпти. Лекин коммунал тўловларни ундирини пайсалга солиниб, жойларда ишга масъулиятсизлик билан қараш, мавжуд қарзларни қамайтириб кўрсатиш ҳолатлари учраб турипти.

Хусусан, «Фарғонагаз» худудий газ таъминот корхонаси Риштон туман филиалидаги аҳоли кишини уйга толдирди. Корхонадан олинган маълумотларга кўра 2005 йил 1 январ ҳолатига туман аҳолисининг қарздорлиги 326 миллион 59 минг сўм бўлган ва 1 сентябрга келиб 320 миллион 375 минг сўмни ташкил этаётгани кўрсатилган. Яъни 9 ой давомида қарздорлик 5 миллион 648 минг сўмга қамайтирилган, дея бонг урилган. Риштон туман ҳокимлигига газ идораси томонидан тақдим қилинаётган маълумотда эса 2005 йил 1 ноябр ҳолатига аҳоли қарздорлиги 737 миллион 348 минг сўмгиги кўрсатилган. Рақамлар орасидаги фарқ 5-10 миллион сўм бўлса, эҳтимол, тезкор маълумотдир, фарқ бўлади-да, деб тушунини мумкин. Лекин ўртадаги тафовут нақд 416 миллион 973 минг сўмни ташкил этаётганини кўриб ёқа ушлагани киши. Тағин хар иккала маълумотда ҳам туман газ идораси раҳбари Р. Додоқўзининг имзоси тургани кишини таажубга солади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни таъминот олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланган вазифалар ўз вақтида яқунлангани боис ишларни 2005 йилнинг 1 сентябргача тугатиш топшириги берилди. Ва жой-

Масала кўндаланг қўйилади

Шундай қилиб «Риштон тумангаз» филиали олдида қўйилган 28647 та хонадонларга газ жиҳозлаш ускунаси ўрнатиш буйича белгиланган вазифа бажарилди. Лекин жойларга чиқилганда, ҳали газ жиҳозлаш ўрнатиш ҳақида уйлаб ҳам кўрмаган хонадонлар доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланган вазифалар ўз вақтида яқунлангани боис ишларни 2005 йилнинг 1 сентябргача тугатиш топшириги берилди. Ва жой-

ЯНА КОММУНАЛ ТўЛОВЛАР ХУСУСИДА

ларда бу топширикни бажариш мақсадида катта ишлар қилинди. Риштон туман газ корхонаси ҳам 2005 йил 30 августдаги 195 сонли хат билан туманда газ жиҳозлаш ўрнатиш ишлари яқунлангани ҳақида «Фарғонагаз» ХТК директори Ш. Эминовга ахборот берган. Унда жумладан шундай дейилади: «... 2005 йил 1 сентябр ҳолатига тумандаги 28647 та хонадондан 20214 тасига кредит жиҳозлаш, 3613 та хонадонлар ўз жиҳобидан, жами 27700 та хонадонга газ жиҳозлаш ускуналари билан таъминланди. 947 та хонадонларда эса ҳеч ким яшамаятгани олиб

қўйган. Одилжон ота Зулфиқоровнинг айтишича, бир неча бор туман газ ходимларига беминнат ёниш исроф бўлаётгани айтилган. Ҳеч қандай натижа йўқ. Бизга ҳамроҳлик қилган туман газ бош муҳандиси Э. Эргашев ташвишли ҳолатларга бепарво. Ўғирланган табиий газ ҳақини ундириб олиш мақсадида бирорта ҳам далолатнома тузилмаганига ҳайрон бўлдик. Гўёки бош муҳандис бундай ҳолатларга жавоб бермайди. Бу ишлар унинг хизмат доирасига кирмайдигандек. Газ идорасининг туман

нинг орқага кетишига ўзлари сабабчи бўлапти. Ҳозир декабр ойи бўлиши қарамай, биз 1 сентябр ҳолатига берилган қарздорлик варақасини кўтариб юрибмиз. Ахир бир хонадонга кирсак, унинг ўша кундаги қарзини айта олишимиз керак-ди. Шундагина пул ундирини мумкин. Туман газ идораси раҳбарларига бир неча марта бориб айтсак ҳам қарздорлик варақасини янгилаб беришмайпти. Биз билан сўхбатлашган бошқа маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳам газ идорасининг ҳамкорлигини норози. Оғзаки, хаттоки ёзма мурожаатга ҳам ҳеч қандай жавоб ололмаётган маҳалла раислари кўп. —Бизнинг маҳаллада Тошкент, Бокий кўчаларидаги ГРП атрофидаги хонадонлардагина «зангори олов» ёниб ҳолос,— дейди Дорилонот маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Болтабоев. —Қишда асосий шикоят ҳам шу ердан бўлади. Бир неча марта мутасаддиларга мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай чора кўринмади. Хатимизга жавоб ҳам ололмадик. Ажабо, Риштон туман газ идорасида қарзларни қамайтириб кўрсатиш, газ жиҳозлашнинг ўрнатиш тугатилмаган бўлишига қарамасдан, қоғозда ишлар тўлиқ бажарилди, дея қўзғувчиликчи қилишдан кимга фойдаю, кимга зиён?

Н. ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! Давлат мулки кўмитасининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтининг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2005 йил 16 декабрдан Фарғона вилояти маклерияти орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми буйича қуйидаги объектлар қўйилади. 1. Фарғона вилояти, Риштон тумани ҳокимлигининг ветеринария бўлимига қарашли Риштон тумани, Зоҳидон қишлоғида жойлашган «Зоҳидон» ветеринария участкаси (фаолиятини сақлаш шarti билан). Бошланғич баҳоси – 4 461 634 сўм. 2. Фарғона вилояти, Кува тумани, О.Қаробоев кўчаси, 170-уйда жойлашган «77-ХКМК» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 51 фойз давлат улуши (фаолиятини сақлаш шarti билан). Бошланғич баҳоси – 7 624 500 сўм. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми буйича 2005 йил 19 декабрдан Фарғона вилояти маклерияти орқали қуйидаги объектлар қўйилади. 1. Наманган вилояти, Мингбулоқ туманида жойлашган Мингбулоқ тумани «146-ХМКК» (100%). Бошланғич баҳоси – 22474,4 минг сўм. 2. Наманган вилояти, Норин туманида жойлашган, Норин туман 4-ХМКК (100%). Бошланғич баҳоси – 9196,9 минг сўм. Хурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! Имониятингизни бой берманг. Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишнингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: (3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 8(371) 114-62-35. Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, (вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси босқичи босқичининг 4-қавати), РКМБ Наманган вилояти филиали. Телефонлар: 8(369) 226-54-47; 226-27-01.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

Бахавиддин Накшбанд, Абдулохлик Гиждувоний, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар вояга етган кўхна заминда ўғил-қизларни зукко билими ва эътиқодли кишилар қилиб вояга етказиб қўйган муаллимлар борки, уларнинг номларини ҳамма хурмат билан тилга олади.

Илгор педагогик ва ахборот технологияларини дадил қўллаб, ҳалол ва фидойи меҳнати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топанг, камтар ва камсукум устоз-мураббийлар хамиша улуғланади. Президентимиз Фармонга асосан Гиждувон туманидаги 8-мактабнинг математика фани муаллими Болта Элов «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», Пешкудаги 9-мактабнинг тожик тили ва адабиёти фани муаллими Гулбаҳор Хафизова «Ўзбекистонда хизмат қўсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларини олишга сазовор бўлдилар.

орденлари, Когон туманидан Хурмат Турсунова, қоровул-бозорлик Малика Шоммиева, вобкентлик Адолат Шомуродовалар «Шухрат» медали билан мукофотландилар. — Ҳақиқат эмас, ўргатиш муҳим, — дейди Гиждувон туманидаги 57-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси Н.Гулиева. — Янги педагогик технологияларни жорий этиш билан бирга таълим жараёнида ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланиш лозим. Шунинг учун ҳозирда 5-6 та ўқувчидан иборат бригадалар ташкил этганман. Синфдан нечта бригада бўлса, ўшанча тест варақалари ва саволлар битилган тарқатмалар тайёрланади. Бундай усул таълим самардорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатапти.

27 йилдан бери ўқитувчилик касбини эъозлаб келадиган Жондор туманидаги манадаги 57-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси Н.Гулиева. — Янги педагогик технологияларни жорий этиш билан бирга таълим жараёнида ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланиш лозим. Шунинг учун ҳозирда 5-6 та ўқувчидан иборат бригадалар ташкил этганман. Синфдан нечта бригада бўлса, ўшанча тест варақалари ва саволлар битилган тарқатмалар тайёрланади. Бундай усул таълим самардорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатапти.

Янги педагогик технологиялар

38-умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллими Саодат Ҳакимова қўлида таҳсил олган йигит-қизлар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишга тайёрланади. Шогирдлар устозларини тез-тез йўқлаб туришлари, олижаноб инсонга гуллар туттишади.

Умумтаълим мактаблари бинолари муҳандислик, коммуникация инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Буюкхоро туманининг Работка

налари, 4 та ошона, юздан ортик спорт майдончалари қурилди.

Таълим муассасалари, оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали юқори натижаларга эришиш асосий мақсад ҳисобланади. Вазирилар Маҳкамаси қарорларига асосан 2005-2009 йилларда 456 та умумтаълим мактаби, 419 та спорт заллари қайта жиҳозлаш, 456 та илм масканини синф компьютерлари билан таъминлаш режалаштирилган.

Изланувчан, иқтидорли, билимга ташна ўқувчилар устозлар юзини ёруғ қилапти. Рейтинг натижалари бўйича вилоят халқ таълими тизими мамлакатда иккинчи, олий ўқув юрталари факультети ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан алоқаси кенг йўлга қўйилди. «Халқаро журналистика: муаммолар ва тамойиллар» деган мавзуда кунни кеча уюштирилган анжуман ана шу ҳамкорликда ташкил этилди. Бу анжуманда «Халқаро журналистиканинг глобализациялашуви», «Ахборот асри мафқураси», «Интернет - глобал тармок», каби мавзуларда ўзаро таъриба алмашилди.

И. ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Журналистиканинг истиқболли йўналишлари

Дипломатия университетиде журналистиканинг таъриб-лаш кенг йўлга қўйилган. Олий ўқув юрталарининг халқаро муносабатлар факультетиде халқаро журналистика бўлими очилиши ҳам айни муддао бўлди.

Талаба-магистрлар учун ташкил этилган буюнги бўлимда журналистиканинг муҳим йўналишлари бўйича амалий ўқув машғулотларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бўлимнинг Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетиде ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан алоқаси кенг йўлга қўйилди.

«Халқаро журналистика: муаммолар ва тамойиллар» деган мавзуда кунни кеча уюштирилган анжуман ана шу ҳамкорликда ташкил этилди. Бу анжуманда «Халқаро журналистиканинг глобализациялашуви», «Ахборот асри мафқураси», «Интернет - глобал тармок», каби мавзуларда ўзаро таъриба алмашилди.

А.АЛИЕВ

Таракқиётимизни маънавий-маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларисиз, тўғрироғи, маънавий ислохотларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маънавият

Маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, четдан мафқуравий таъхид ва ахборот хуружи кучайиб бораётгани, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги қурш давом этаётгани хаётнинг барча жабаҳалари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳар бир қатлами орасида маънавий-маърифий ва мафқуравий ахборотни янги босқичга кўтариш эҳтиёжини юзага келтирди.

Буни қарангки, мустабид тузум пайтида хатто «жаноза»га қатнашиш ҳам тақиқлаб қўйилган эди. Китоб маънавиятчилар учун дарслик қўлланма бўла олади, десак муболага бўлмайди. Маънавиятчилар у вазирилқида ишлайдими, бирор бир ташкилотда, олий ўқув юрталарида бўладими, маънавий-маърифий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш тизимини қандай йўлга қўйиш керак, Республи-

гаишланган, моҳиятан жуда ҳам кенг, ҳаммабоп қўлланма билан танишиш имконига эга бўладилар. Муаллифлар мустақиллик ўзбек маънавияти тарихида янги бир давр очганини алоҳида таъкидлайдилар. «Мустақиллик ва маънавият» сарлавҳаси остида яхши фикрлар айтилди. Китобхон кейинги ўн тўрт йил ичида маънавий соҳасида қилинган ишлар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТ ДУР ДУНЁ

Маънавият ва маърифат соҳаси ўз ривожланишига, ўз тадиқотига эга. Яқинда филология фанлари номзоди Қуддус Аъзамов ва Шамсиддин Жумаевларнинг «Маънавият ва маърифат иши» китоби нашрдан чиқди.

Муаллифлар китобнинг кириш қисмига «Мустақиллик ва маънавият» деган сарлавҳа қўйганларки, ўзбек халқи озодликка эришган кундан эътиборан ҳамма соҳада маънавият юксаликка эришиш жамиятнинг асосий бош мақсади, деган гоини илгари сурдилар.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳар бир халқ тарихининг буюклиги, аввало маънавият ва маърифатнинг юксалиги билан белгиланади. Темурийлар, бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси сифатида дунё ахлини ҳайратга солмоқда.

Ўзбек халқи маънавиятини юксаликка кўтарган мисоллардан кўплаб келтириш мумкин. Лекин XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида мустамаккачилар томонидан гўзал обидаларимизнинг ваҳийлиларча вайрон этилиши, бебаҳо маънавиятимизга таъвоуз этиш, тарихий китобларимизни ўтда ёқиш, булар ҳамма-хаммаси биз ўзбек халқи маънавият ва маърифат таракқиётини бўғишга қаратилганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Китобда бу мав-

лика маънавият ва маърифат кенгаши ва республика «Маънавият ва маърифат» марказининг намунавий иш режаларини қандай тузиш мумкин?

Маънавият ва маърифат хоналари (масканилари) ҳамда уларни ташкил этиш ва жиҳозлаш учун услубий тавсиялар, умумхалқ байрамлари ва тарихий саналарни муносиб нишонлаш тўғрисида, тарихий саналарни нишонлаш юзасидан, Давлат рамзларини қай тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялар. Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, вазирилқар, давлат қўмиталари, банқлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар, бирлашмалар, агентликлар ва бошқа муассаса, ташкилотларнинг маънавият ва маърифат бўлимларида юритиладиган ҳужжатлар қай тарзда бўлишлиги хақида маълумот, таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотлар, кўчалар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бозорларда ёзилиши лозим бўлган шюрлар, ҳиқматлар юзасидан тавсиялар. Маънавий-маърифий, маданият-ташқилий ишлар солмоқси жойларда маънавий-маърифий ҳамда мафқуравий тарғибот-ташвиқот ишлари учун тавсия этиладиган мавзулар хақида йўналишлар берилганки, маънавиятчилар биринчи марта бутун бир дунёқарашини ўзлари ўрганидиган маънавият хақидаги билимларини кенг қўламда, мукаммал ўрганишга ба-

Китоб билан яқиндан танишиш натижасида маънавият ва маърифатга оид жуда қизиқарли маълумотлар оламиз. Масалан, маънавият ва маърифат соҳасида хизмат қилаётган кадрларни синовдан ўтказиш бўйича саволлар кимга қизиқарли эмас. Китобда берилган - Хожа Аҳрор Вали ким, унинг Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданият-маърифий хаётини да тугган ўрни қандай, қайи саволларга, албатта тарихий манбалар, тарихий китоблар кўрсатган жавоб бериш қийин бўлади.

Ҳуллас, Қуддус Аъзамов ва Шамсиддин Жумаевлар томонидан чоп этилган китоб ўзбек маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қила оладиган, кенг китобхон оммаси фойдаланиши мумкин бўлган рисолади. Бундан ташқари, бугунги кунда маънавий-маърифий ва мафқуравий тарғибот ишлари қандай дастур ва йўналиш, қайси кўрсатма ва қўлланма, қанақа режа асосида, қай савияда, кимлар тарафидан олиб борилаётгани гоат муҳим масала бўлиб турган бир пайтда, ушбу илмий-усулбий қўлланма маънавий-маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини ташкил этиш, уюштириш ва мувофиқлаштириш учун манба бўлиб хизмат қила олади.

Насриддин БОТИРОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази маъсул ходими

Ватанимиз худуди тасвирланган харита ва атласларга кўзимиз тушса, ҳар биримизнинг қалбимизда ўзгача бир қизиқиш, гуруланиш туйғуларини уйғонади. Бойси, улар бизнинг юртимиз хақидаги билим ва тасаввурларимизни бойитиш билан бирга она дийримиз қиёфасини дунё ахлига яқиндан танитади. Анча йиллардан бери ўзбек картограф олимлари миллий картография асарларимизнинг мукаммал нусхаларини яратиш устида жонбозлик қилиб келишмоқда. Айтиш жоизки, маъкур фахрли юмушларнинг бошида туриб, узок йиллардан буён уни ривожлантиришга юксак хизматлари сингган инсон, география фанлари доктори, профессор Турғунбой Мирзалиевдир.

ДИЙРИМИЗ ҚИЁФАСИ ўзбек картографлари тасаввурда

Т.Мирзалиев талабалик йилларидаёқ бу касбга меҳр қўйиб, Ўрта Осиёдаги ҳўжалик нуқтаи назаридан тез ўзлаштирилиши лозим бўлган худудларнинг топографик хариталарини тузишда фаол қатнашган. Ҳқишни мувафқиятли тугатган ҳам ўз соҳасида ишлашни тўхтатмайди. Ниҳоят узок изланишлари натижаси ўларок 1966 йили Москвада профессор М.И.Никишов илмий раҳбарлигида «Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалиги карталарини тузишнинг айрим масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. Уша йилнинг сентябрида эса ўзи ўқиб, таълим олган ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) География факультети Геодезия ва картография кафедрасига факультет тарихида ўзбеклардан биринчи бўлиб кафедра мудириликка талнов асосида сайланади.


қўлланмасини чоп эттирди. Олимнинг республикамизда «Атлас картографияси» фанига асос солиб, махсус курс сифатида ўқитилишини йўлга қўйиши улкан хизматларидан бири бўлди.

Домланинг сай-харакатлари натижасида Геодезия, картография ва кадастр таълими йўналишининг ЎЗМУ учун алоҳида ўқув режаси тасдиқланишига эришилди, картография ва амалий геодезия йўналишлари бўйича магистратура ва аспирантура очилди. Сўнгги йилларда кафедрада у киши раҳбарлигида давлат маблағи билан таъминланган катта ҳажмдаги илмий-тадиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Устоз ҳозир ўқув топографик хариталарини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўқув маълумотнома атласларини яратиш устида қизгин меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Миллий атласини яратиш борасида ташқилий ишларини бошлаб юборганлар.

Заҳматқаш олимнинг улкан хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳо-ланади, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Асомберди ЭГАМБЕРДИЕВ, ЎЗМУ геодезия, картография ва кадастр кафедраси доценти, Илхомжон АБУДУЛЛАЕВ, ЎЗМУ ўқитувчиси



Илбсжон Охунжонов олий маълумотли шифокор-стоматолог. Бу соҳада у қарийб ўн беш йиллик таърибага эга. 2000 йилдан буён у Фарғона шаҳридаги кичик стоматология жамоасини бошқариб келмоқда. Бу ерда айни дамда бир нафар ҳамшира ва икки нафар техник ходим меҳнат қилади.

Шу қисқа фурсат ичида жамоа бу соҳада обрў-эътибор қозонди ва шу бойси бўлса керак ҳозирда уларнинг миқозлари сони кўпайиб кетди. Эндиликда соҳада замонавий технологиялар татбиқ этилаётганлиги, ўз навбатида юртдошларимизда соғлом турмуш тарзи маданиятининг шаклланиб бораётганлигини билдиради.

Суратда: стоматолог шифокорлар. М.КОДИРОВ (ўза) олган сурат

Футбол МАРАДОНА ҚАЙТМОҚДА

Афсонавий футболчи Диего Марадона хақида нима дейилмади, нима эъланмади. Лекин у ўзида куч-ирода топа олди. Унинг жўшқин хаётга қайтиши барча мухлисларни шод этмоқда.

Яқинда яна бир хушбаҳо тарқалди. «Бока Хуниор» раҳбарияти мураббий Альфио Басиле кетишини иштиёр этса, Диего Марадона клубнинг техник директори лавозимини эгаллашини истаётганини маълум қилди. Басиле билан шартнома эса 2006 йил июнда ниҳосига етади.

Айни кунларда Марадона ушбу клуб департаменти вице-президенти лавозимини фаолият қўрсатмоқда.

КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ЧЕМПИОНАТ

Футбол билимдонлари яхши эслашади: яқин-яқингача Европа ва Жанубий Американинг энг кучли командалари — Чемпионлар кубоғи совриндори ва Либертадорес кубоғи голиби китъалараро кубок учун баҳс олиб боришарди. Табиийки, бу бошқа китъа вакилларидан норозилик уйғотганини сабабли ФИФА раҳбарияти ўзгача йўлни тақиқ этди. Бошқача айтганда, сик ҳам, кабоҳ ҳам куймайдиган бўлди. «Тойота» компанияси хомийлигида Японияда старт олган клублар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати танланган йўл тўғри эканлигини тасдиқламоқда.

Ушбу чемпионатда қуйидаги жамоалар қатнашмоқда: «Ливерпуль» (Англия, Европа), «Сан-Пауло» (Бразилия, Жанубий Америка), «Саприсо» (Коста-Рика, Шимолий Америка), «Ал-Иттиход» (Саудия Арабистони, Осиё), «Ал-Ахли» (Миср, Африка) ва «Сидней» (Австралия).

Илк учрашу «Ал-Ахли» ва «Ал-Иттиход» клублари ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу матч осийликлар фойдасига хал бўлди — 1:0. Улар энди ярим финалда «Сан-Пауло» билан куч синашадилар.

Финал 18 декабрда Йокогама шаҳрида ўтказилади.

КУРЪА ТАШЛАНДИ

Ниҳоят, орзиқиб кутилган ҳаяжонли лаҳзалар гувоҳига айланди. Лейпциг шаҳрида 2006 йилда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 32 терма жамоа куръа натижаларига кўра саккиз гуруҳга бўлинди. Гуруҳлар қуйидагича қуришни олди:

- «А» гуруҳи: Германия, Коста-Рика, Польша, Эквадор; «В» гуруҳи: Англия, Парагвай, Тринидад ва Тобаго, Швеция; «С» гуруҳи: Аргентина, Кот-Д'Ивуар, Сербия ва Черногория, Голландия; «Д» гуруҳи: Мексика, Эрон, Ангола, Португалия; «Е» гуруҳи: Италия, Гана, АКШ, Чехия; «Ғ» гуруҳи: Бразилия, Хорватия, Австралия, Япония; «Г» гуруҳи: Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Того; «Н» гуруҳи: Испания, Украина, Тунис, Саудия Арабистони.

Оғир атлетика ОЛЕШЧУК — ФОЛИБ

Айни паллада жаҳон ва Европа чемпиони бўлиб турган белорус атлети Геннадий Олешчук Кишенёвда ўтказилган Элата кубоғи баҳсида шохушунанинг энг юқори поғонасига қўтарилди. Иккинчи ўрин жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Александр Братанга насиб этди. Дарвоқе, у Молдованинг 2005 йилдаги энг яхши спортчиси деб эътироф қилинди. Учинчи ўринни украинлик Алексей Колокольцев эгаллади.

Баскетбол ШАК — ЯНА САФДА

Хабарингиз бўлса, «Майами» клуби марказий ҳужумчиси Шакил О'Нил Миллий Баскетбол ассоциацияси чемпионатида бор-йўғи икки учрашу ўтказиб, заҳира ўринидиғига миқлиниб қолган эди. У узок вақт жароҳатини даволашга мажбур бўлди. Унинг йўқлиги

Спорт оламида

командага анча қимматга тушди. Айниқса, кейинги тўртта матчда жамоа кетма-кет мағлубиятга учраб, ўз мухлисларини ранжитиб қўйди.

Шундай кезде Шакнинг яна «Майами» таркибида пайдо бўлиши барчани қувонтириб юборди. Айтиш жоизки, марказий ҳужумчи «Вашингтон» билан бўлган учрашувини кўтаринки руҳда ўтказди ва ҳал қилувчи очколарини тақдим этди. «Майами» 104:101 ҳисобида рақибидан устун келди. Бу «Майами»нинг чемпионатдаги ўн биринчи ғалабасидир.

Теннис ИККИ ЙИЛЛИК ТАНАФУСДАН СЎНГ

Анна Курникова икки йиллик танафусдан сўнғ яна кортага қайтди. У Рио-де-Жанейро шаҳрида азалий рақибани швейцариялик Мартини Хингис билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Афсуски, учрашувини охиригача уйнаш насиб этмади. Биринчи сетни 1:6 ҳисобида ютказган Анна жароҳати тўғрисида йўналиш нимага қодирлигини кўрсатиш имкониятидан яна маҳрум бўлди. Жаҳоннинг собиқ биринчи «ракетка»си ҳисобланган Мартини Хингис эса Австралия очик чемпионатида қатнашиш истаги борлигини оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилди.



Хингис билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Анна Курникова икки йиллик танафусдан сўнғ яна кортага қайтди. У Рио-де-Жанейро шаҳрида азалий рақибани швейцариялик Мартини Хингис билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

М.ИБРОХИМОВ тайёрлади

Биласизми? КОВУРГА ВА ТЎШ СЛОМАТЛИК УЧУН КОНИ ФОЙДА

Инсон саломатлиги овқатланиш билан узвий боғлиқдир. Озиқ-овқатлар таркибининг мукамаллиги ва турли-туманлиги инсоннинг тўла-тўқис ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳар хил касалликларга қалб-танмаслигини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда кўпчиликида, айниқса, тўғри ёшидаги аёлларда камқонлик билан касалланиш кузатилмоқда. Биласизми, нега? Чунки биз қовурғали қайнатма шўрва имчай қўйганмиз. Бунинг учун қасоблар ҳам айбдор. Улар гўштни қовурға суюқларидан ажратиб, қичқини маҳсулотага айлантириб қўйишмоқда. Яна аксарият харидорлар сўксиз гўштни хуш кўрадилар.

Маълумки, сўт эмизувчи ҳайвонлар ва одамда қовурғалар, тўш ва бошқа суюқлар қизил қон яратувчи эъзо ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, қовурғалар ва тўш сўғига қизил қон ҳосил бўлиши учун барча зарурий моддалар йиғилади. Бу моддаларга биологик фаол моддалар, витаминлар, микроэлементлар кирди. Микроэлементлар ичида рух жуда муҳим бўлиб, у қондаги эритроцитнинг фаолияти билан боғлиқ карбоангидраза ферментининг таркибида бўлади. Бу микроэлемент тўш ва қовурға суюқларида бошқа гўшт маҳсулотларида нисбатан 100 ва хатто 1000 марта кўпроқ.

Қиссадан хисса шуки, сизлар инкор қилаётган тўш ва қовурға суюқлари саломатлигингиз учун жуда зарурдир.

Н.ЭРГАШЕВ, ЎЗ ФА Физиология ва биофизика институти кичик илмий ходими

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216
E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқиб бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00
Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.